

ЛАЛМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИКДА БЕДА "АРИДНАЯ" НАВИННИНГ УРУҒЧИЛИГИ

Солижонов Шахбоз Зафаржон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялари институти ўқитувчиси

Бобоҷонова Мадинабону Баҳодиржон қизи

Холдорова Ҳуснида Хайдарали қизи

Тўраев Темурбек Улуғбек ўғли

Тожиматова Сурайёхон Арабжон қизи

Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялари институти талабалари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7247165>

Аннатация. Мақолада беданинг "Аридная" навининг бошлангич уруғчилик тизмини йўлга қўйиш ва уларни ишилаб чиқоаршига жорий этишига боғлиқ бўлган натижалар батамфисил ёритилган.

Калим сўзлар. беда, нав, оила, тизма, ем-хашак, ,кўк масса, озиқа бирлиги, кўк поя, маҳсулдорлик, иссиқлик, қурғоқчилик.

СОРОТ КУЛЬФЫ "АРИДНАЯ" В ФЕРМЕ ЛАЛМИКОР

Плодородие

Аннотация. В статье подробно описаны результаты, связанные с созданием системы первичного семеноводства сорта люцерны и Аридная внедрением их в производство.

Ключевые слова. люцерна, сорт, смейства, линия, корм, зеленая масса, кормавая единица, зеленый стебель, урожайность, жара, засуха.

"ARIDNAYA" VARIETY OF CULFA AT LALMIKOR FARMING

FERTILITY

Abstract. The article describes in detail the results associated with the creation of a system of primary seed production of the alfalfa variety Aridnaya and their introduction into production.

Keywords. alfalfa, variety, mixtures, line, fodder, green mass, fodder unit, green stem, productivity, heat, drought.

КИРИШ

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда лалмикор ерлардан унумли фойдаланиш учун дуккакли экин бедани бошоқли дон экинлари билан алмашлаб экиш тизимида етиштиришда, аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашда чорва молларига ширави, юқори оқсилли озуқалар етказиб бериш қаторида тупроқнинг агротузилмавий хусусиятларини ва унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш имкониятини яратиб, экологик соғ маҳсулотлар олишни таъминлайди.

Республикамизнинг лалмикор ерларида бошоқли дон экинларидан барқарор ва давлат андоза талабларига жавоб берадиган сифатли дон ҳосили олишга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, чорвачиликни ривож-лантиришда юқори оқсилли, тўйимли хашаклар билан таъминлашда навдор беданинг майдонини кенгайтиришда бошлангич уруғчилигини йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Лалмикор ерларда бошоқли дон экинларини етиш-тиришда алмашлаб экиш тизимида ем-хашак экинлари орасида беда экини етакчи ўринни эгаллайди. Экин

майдонининг салмоғи, ҳосилдорлиги, пичан-ининг тўйимлиги, узок вақт сақланиши, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги фойдали жиҳатлари билан бир йиллик ем-хашак экинларидан устунлик қиласди[1].

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Беда лалмикор ерларда бошоқли дон экинларига яхши ўтмишдош ҳисобланиб, уруг, қўқ масса, пичан учун экилганда илдиздаги бактерияли туганаклари ёрдамида ҳаводан эркин азотни фиксациялаш йўли билан ўзидан кейин гектарига 80-90 кг соф азотни тўплаши билан тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу азот меъёри ҳар бир гектар майдонга 1,5-3 ц аммиакли селитра ёки 20 тонна маҳаллий гўнг эквива-лентлигига тенг ҳисобланади [3] .

Селекция жараёнида уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш амалга оширилса, шунчалик юқори самара беришлигини академик Г.В. Гуляев таъбирича, экинлар ҳосилдорлиги камида 20 % ошишига имкон яратади [2].

Долзарблиги. Юқорида келтирилган муҳим муоммаларни ҳал этиш учун Давлат реестрига киритилган Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан яратилган беданинг “Аридная” навини сара ургуни тижоратлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу нав юқори ҳосилдорлиги, касалликларга ва ташқи муҳитнинг ноқулай иқлим-шароитларига чидамлиги билан Жиззах, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг лалмикор минтақаларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларида синовдан ўтиб, 2006-2008 қурғоқчил келган йилларда иқтисодий жиҳатдан анча самарали нав эканлигини тўлиқ намоён этганлигини инобатга олиб, ушбу навнинг бошланғич уруғчилиги бўйича тажриба олиб борилди.

Тадқиқот услублари. Бу тижоратлаштириш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган (Тошкент, 1994) ва Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқарилган услубий қўлланма (2004) ва Давлат патент идорасининг “Дуккакли экинлари бўйича фарқланиш ва барқарорлик мезонларига синов ўтказиш” қўлланмаси (1999) асосида ҳамда тажрибалардан олинган эксприменталь маълумотларни дисперцион математик таҳлил Б.А.Доспехов (1986) услуби бўйича амалга оширилди.

Олинган натижалар таҳлили. Бошланғич уруғчиликни йилма-йил йўлга қўйилиб борса, бу лалмикор деҳқончилиқда нав алмаштириш ва уруғчилигини йўлга қўйилиши натижасида ҳосилдорликнинг салмоғи 40 % ошишига олиб келади. Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда ҳо-зирги кунда лалмикорлиқда беданинг “Аридная” навининг бошланғич уруғчилигини йўлга қўйилиши лалмикор ерлардаги аҳолини турмуш даражасини юксалтиришда ва даромадларининг ошишида бевосита хизмат қиласди. Андижон қишлоқ ва агротехнологиялар институтида беданинг “Аридная” навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш учун қуйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди:

Биринчи йил авлодлар қўчатзорига элита майдондан танлаб олинган 600 та оила қатор-қатор қилиб 10 метр узунликда қатор ораси 45 см қилиб қўл кучи ёрдамида экилди. Ўсимликларнинг сони, асосий миқдорий белгилари, ўсимлик бўйи, умумий маҳсулдорлик, иссиққа, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамлилиги, 1000 дона уруғ вазни ва бошқа қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳолаш ва танлаш ишлари олиб борилади.

Юқорида кўрсатилган майдонларда бедани етиштириш тадбирлари Андижон қишлоқ ва агротехнологиялар институтида Андижон қишлоқ ва агротехнологиялар институтида ишлаб чиқилган агротехнологик тавсиялар асосида амалга оширилмоқда. Тажриба майдонларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини фенологик кузатувлар остида олиб борилди. Иссиққа, қурғоқчиликка бардошсиз, касалликларга чалинган оиласари аниқланиб, ажратиб олинди. Далаларни бегона ўтлардан тозалаш, ўсимликлар қатор ораларига ишлов бериш ва заарли ҳашаротларга қарши кимёвий кураш усуллари ўз вақтида сифатли олиб борилди. Биринчи йил авлодлар кўчатзоридан оиласарни танлаб олишда беда экининг белгилари фарқланишидан фойдаланиб, беданинг “Аридная” навига хос бўлган 598 та типик оиласар танлаб олинди. Оиласарда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даври февралнинг учинчи ўн кунлигида бошланиб, шохланиши март ойининг иккинчи ўн кунлигида, гуллаш даври апрел ойининг учинчи ўн кунлигида ва дон тўлиқ пишиши 12-18 июл кунларига тўғри келди.

Беда “Аридная” навининг I ва II- йил авлод синаш питомнигида оиласарнинг биологик ва хўжалик белги хусусиятлар кўрсаткичларининг натижалари, (Андижон, 2020-2021 й.й).

Нав номи	Экилган Линиялар сони	Экилган майдон. П/М	Биотик ва абиотик омилларга чидамли оиласар сони. Дона			
			Касаллик- ларга чидамли линиялар	Зааркунанда- ларга чидамли линиялар	Хосилдор- лиги юқори линиялар	Яроқсиз Қилинга линиялар
1-йил авлод синаш питомниги						
Аридная	598	8	501	388	450	80
2-йил авлод синаш питомниги						
Аридная	520	50	504	487	507	25

Биринчи йил авлодлар кўчатзорида ўрганилган 598 та оила дала ва лаборатория шароитида таҳлил қилиниб оиласага мансуб бўлмаган, етилмаган, касалланган, ўсимлик бўйи, гулидан фарқ қилинган 80 та оила яроқсизга чиқарилди, танлаб олинган 520 та навга хос оиласар алоҳида боғ ҳолида боғланиб ўриб йиғиб олинниб қўл кучида янчилиб, уруғлар тозаланиб, хар бир оила алоҳида-алоҳида паетчаларга солинди.

Беданинг иккинчи йил авлодлар кўчатзорида экилган 520 тадан, қимматбаҳо белги ва хусусиятларга эга бўлган 520 та оила танлаб олинниб қўл кучи ёрдамида ҳар бир пайкал алоҳида-алоҳида ўрилди. Олинган уруғларни ғалвирда тозалаш ва саралаш ишлари олиб борилди. Натижада бу навининг иккинчи йил авлодларидан сара навдор уруғлар тайёрланди (1-жадвал).

Мазкур уруғлар биринчи йил кўпайтириш майдонига экилади ҳамда ўсув даврида морфологик хўжалик белгиларига хос бўлган типик хусусиятли ўсимликларни танлаб олиш йўлида олдидан навлараро ва бегона ўтлардан тозалаш ишлари амалга оширилди ва иккинчи йил кўпайтириш майдони учун навдор сара уруғлар тайёрланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида беданинг иккинчи йил кўпайтириш уруғчилигини йўлга қўйиш

мақсадида институт ва “Бахмал” илмий -тажриба станциясининг тажриба участкаларига илмий-амалий шартнома асосида жорий қилинди.

ХУЛОСА

Беда навларининг биринчи ва иккинчи кўпайтириш уғуғчилик тизми тўлиқ йўлга кўйилиб, олинган ҳосил Лалмикор дехқончилик илмий -тадқиқот институтида ва уруғчиликга ихтисослашган фермер хўжаликларида экилиб, навдор сара уруғ этиштиришга имкон яратилди.

REFERENCES

1. Байгулов Д.П., Егоров А.И. Перспективы концентрации семеноводства люцерны. Туды УзНИИ зерна, выпуск 18, Ташкент, 1981г., с. 43-45.
2. Гуляев Г.В. Основные направления научно-организационной работы по семеноводству полевых культур. Ж.Селекция и семеноводства. 1993 г., № 2.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985
4. Иванов А.И. “Люцерна” Колос. М.1988г.